# МУСИҚИЙ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ

**Джалалова Нигора Хусановна**
Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети “Мусиқий таълим ва маданият” кафедраси ўқитувчиси

**https://doi.org/10.5281/zenodo.7358511**

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада мусиқа ўқитиш жараёнида мусиқий педагогик махоратни таркибий ўз ичига оладиган бадиий мусиқа, мусиқий санъат мазмунида шахсни ахлокий эстетик ва тинглаш маданиятини шакллантириш, ўкувчиларни ижодий кобилиятини ривожлантиришда уйин холатини қуллаш, ўқувчиларни мустакил тайёрлашда малака кўникмаларни шакллантириш, педагогик ижодкорлик, ўқув тарбиявий вазифаларни ечишда ва мусиқий таълимни урганишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, мусиқа дарсларида мусиқий мулоқат жараёнини ташкил этиш, мусиқа фанининг бошқа фанлари билан боғлиқлиги хақида сухбат, инновацион технологиялар ёрдамида мусиқий таълим самарадорлигини ошириш, дарс ишланмалари ва умум таълим мактабларида дарсдан ташкил қилади.*

***Калит сўзлар:*** *инновацион, таълим –тарбия, ижро, технология, метод, жўрнавоз, дидактик.*

## ОСНОВЫ МУЗЫКАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА

***Аннотация.*** *В данной статье в содержании музыкального искусства рассматривается художественная музыка, включающая в себя музыкально-педагогические умения как компонент в процессе музыкального воспитания, формирование нравственно-эстетической и слуховой культуры личности, использование домашней среды в развитии творческих способностей учащихся, формирование навыков самостоятельной подготовки учащихся, педагогического творчества, решения учебно-воспитательных задач и музыкального использования новых педагогических технологий в изучении образования, организации процесса музыкального общения на уроках музыки , беседа о связи музыки с другими предметами, повышении эффективности музыкального образования с помощью инновационных технологий, уроковых разработок и уроков в общеобразовательных школах.*

***Ключевые слова:*** *инновационное, образование, производительность, технология, метод, руководство, дидактика.*

## FUNDAMENTALS OF MUSICAL AND PEDAGOGICAL SKILLS

***Abstract.*** *In this article, the content of musical art considers art music, which includes musical and pedagogical skills as a component in the process of musical education, the formation of a moral, aesthetic and auditory culture of the individual, the use of the home environment in the development of students' creative abilities, the formation of skills for self-training of students, pedagogical creativity, solving educational problems and musical use of new pedagogical technologies in the study of education, organizing the process of musical communication in music lessons, talking about the relationship of music with other subjects, increasing the effectiveness of music education with the help of innovative technologies, lesson developments and lessons in secondary schools.*

***Keywords:*** *innovative, education, productivity, technology, method, leadership, didactics.*

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва урганувчи учун қулай булган йулларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва жараёни самарадорлигини оширади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади. Шу боисдан ҳам, педагогик технология, дидактик технология, таълим технологияларигаўқув жараёнидаги энг самарали воситалар деб қарашдага улардан дунё педагогик амалиётида кенг фойдаланишда. Хозирги кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборатдир. Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим -тарбия соҳасида сифат вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув билимларини беришга интилиш, ва ишга сидқидилдан берилган инсон иш жараёнидаги хаёти билан яшайди.

Мусиқа ўқитувчисининг ўзига хос сирлари бўлади. Мусиқага муҳаббат, қизиқиш билан қараш, болаларга бор. Тажрибали педагоглар мусиқа фанини мураккаблигини ва ўқитувчи билан созанданинг боғлиқлигини кўрсатиб ўтганлар. Мусиқа ўқитувчиси ўқув ва тарбия ишларини олиб боради. У фақатгина кенг билимга эга булиб қолмай, ўзини фанини ҳам яхши билиши лозимдир. Болаларни мусиқа санъати билан тарбиялаши, дунёқараши, фикрлаши, тушунчаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Мусиқа киши ҳиссиётини айниқса эмоционал эстетик ҳисиётини актив ривожлантиради. Мусиқа ўқитувчини яхши созанда ва яхши санъаткор булиши лозимдир. Мусиқа асбобида яхши чалиш, с эта олиш, яхши овозга эга булиши, нотага қараб яхши ижро этиш болалар қобилиятини ажрата билиши лозимдир. Мусиқа ўқитувчиси мусиқа асбобида яхши ижро этиши жуда муҳимлиги қуйидагича курсатилади:

Биринчидан: жонли ижро эшитилиши - синфда кайфиятни яхшилайди. Иккинчидан: Жамоа бўлиб (хор) ижро этаётганда ҳохлаган эпизодни ёки (тактик) жумлани қайтариш. Учинчидан: Мусиқа асбобида таълим -тарбия эта оладиган мусиқа ўқитувчиси ўз тарбияланувчиларига мусиқани ўзи ижро этиш нақадар қизиқарлигини вамухимлигини амалиётда курсатиб ўтади- Мусиқа ўқитувчиси мусиқа асбобини яхши ижро этиши билан чекланиб қолмай яхши товуш, дирижёрлик даражаси билан мусиқа назариясини мукаммал билмоги ва ижод қилиши лозимдир. Ўқитувчини шахсиятини мусиқа фанининг тақдирини ҳалқилади. Бунда ўқитувчига у томонидан булажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг теҳнологик ҳаритаси хар бир мавзу, хар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи - талабаларнинг имконияти ва эхтиёжлардан келиб чиққан холда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогика ва ахборот технологиялардан хабардор булиши, шунингдек, жуда кўп методлар ва усулларни билиши керак булади. хар бир дарсни ранг - баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойихалаштирилган технологик харитасига боғлиқ. Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қуйган мақсади ва ихтиёрига боғлик. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит холда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафотланган натижа. Дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан ҳалос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг хар бир мавзуси, хар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби теҳнологик карта унга фанни, предметини яҳлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасига кўра олишига ёрдам беради.)

Қуйидаги ўқитиш жараёнида қуллаш мумкин булган баъзи бир тренинглар (технологиялар) га тавсифнома берилади, яхлит ўқув жараёнида бошланиши, бизни жуда кўп товушлар қамраб олган: Уйда, кўчада, боғда, далада. (Аслида хақиқий атроф оламидаги мусиқа нарса-ходисаларда мужассамланган. Ижодкор уларни асбоблар ёрдамида ургатади). Хақиқий мусиқий товушлар мусиқий асбобларда яшайдилар. Шунингдек, хонандалар товушларида. Созандалар, хонандалар ижро этганидагина товушлар жарангладилар. Энди шундан келиб чиқиб бу жараён характер хусусиятига қараб якканавозлик, жўрнавозлик ва жўрсозликка бўлинади.Бир кушиқ бир овозда ижро этилса «Якка овоз», икки, уч, тўрт киши бирга ижро этса «Жўрнавоз» ёки шу ижрога созандачилар ҳам қўшилса «Жўрсоз» дейилади. Тарқатма материаллар ёрдамида дарс мавзуси тушунтирилади. Тулдирилган карточкалар доскага илиб қўйилади. (Хар бир гуруҳ карточкалари алоҳда ёр дамида инттлади.) Хар бир гурухдан вакил чиқиб мавзуни тушунтириб беради. Хар бир карточкалардаги гурух жавоблари таҳлил қилинади ва хулоса келтирилади. Фикрларнинг тармоқланиши - бу педагогик стратегия булиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур урганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган холда тармоқлашларига ургатади. Бу метод бирон чуқур урганишдан аввал ўқувларнинг фаолиятини жаддалаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилишни фикрлаш мумкин. Шунингдек ута лаг а н мавзуни мустахкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу буйича тасаввурларни чизма шаклида ифодалашга ундайди. Мазкур технология бир машгулот давомида ўқув материалини чукур ва яхлит холатда урганиш ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йуналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида хар бир иштирокчиларнинг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керак бўлади.

**REFERENCES**

1. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Шарқ», 1997 йил.
2. Умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастури Т. «Шарқ» 1999 йил.
3. Ж. Ғ. Йулдошев, С. А. Усмонов. Педагогик технология асослари. Т. «Ўқитувчи». 2004 йил.
4. В.М .Каримова,Ф.А.Акрамова Психолигия..Маърузалар матни. Т. ФТДК, ДИТАФ 2000 йил.
5. Мавлянова, О.Тураева, К.Холикбердиев. Педагогика. Т «Ўқитувчи», 2001 йил.
6. О.Иброхимов, Ж.Иброхимов. Мусиқа 4-синф. Т. Ғ.Ғуломов, 2003 йил.
7. А.Мансуров, Д.Каримова. Мусиқа 5-синф. Т. Г.Гулом, 2004 йил.
8. С.Бегматов ва б. Мусиқа 6-синф. Т. Ғ.Гулом 2002 йил
9. О.Иброхимов, Ж.Садиров. Мусиқа 7- синф. Т. Г.Гулом 2003 йил.

10. Ergashev A. et al. THE ROLE OF COMPOSERY IN THE ART OF NATIONAL SINGING //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 863-867.
11. Juraevna A. S. et al. MODERN SOCIAL AND PEDAGOGICAL FUNCTIONS OF MUSIC ART AND EDUCATION //Journal of Ethics and Diversity in International Communication. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 57-59.
12. Yelena V. et al. THE ROLE OF FOLK ART IN RAISING THE MORALE OF YOUNG PEOPLE //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 699-702.
13. Ergashev A. et al. THE ROLE OF COMPOSERY IN THE ART OF NATIONAL SINGING //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 863-867.